

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINI NG
ҚАРОРИ**491 Давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида**

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади), бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган давлат электрон хизматини ўрганиш ва таҳлил қилишга ягона ёндашувни таъминлаш, шунингдек хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат электрон хизматлари кўрсатишнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни вазирлик томонидан тўплаш, қабул қилиш, айирбошлаш ва сақлашнинг таъминланишини ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрсин;

Давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикаси талабларига мувофиқ ахборотларни Тизимга киритиш тартибини регламентловчи йўриқномани 2016 йил 20 декабргача бўлган муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш натижаларининг оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат интерактив хизматлари ягона порталида ҳар йили эълон қилинишини таъминласин.

3. Давлат электрон хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар:

Давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикасида назарда тутилган тартибда давлат электрон хизматлари кўрсатишнинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотларнинг Тизимга ҳар йили ўз вақтида киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатининг ўтказилаётган мониторинги натижаларини ҳисобга олиб, Давлат электрон хизматлари кўрсатиш тартиби ва сифа-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

42 (750)-сон

— 113 —

491-модда

тини доимий равишда такомиллаштиришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 октябрь,
353-сон